



# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

**Ўзбекистонда гуруч нархи ва унга таъсир  
этувчи омиллар таҳлили**  
*(2026 йил январь)*

## Резюме

Ушбу таҳлилий материалда 2020-2025 йилларда Ўзбекистонда гуруч нархлари динамикаси, унга таъсир этган талаб ва таклиф омиллари ҳамда экспорт-импорт жараёнлари таҳлил қилинди. Гуруч нархлари озиқ-овқат инфляциясига таъсир этувчи муҳим товарлардан бири ҳисобланади.

2025 йилда ички бозорда гуруч нархлари пасаяувчи тенденцияни намоён этди. 2026 йилнинг 1 январь санасига аланга навли гуручнинг ўртача чакана нархи 14 399 сўми, лазер навли гуруч нархи эса 17 254 сўми ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан 15 фоизга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса ўртача 17 фоизга арзонлади.

2023 йилда сув танқислиги, иқлим шароитларининг ноқулайлиги ва жаҳон бозорида экспорт чекловлари жорий этилиши натижасида гуруч нархлари (38,7 фоизга) кескин ошганди. 2024-2025 йилларда эса таклифнинг тикланиши ва импорт ҳажмларининг барқарорлашуви натижасида нархлар пасайиш тенденциясига ўтди.

Сўнгги йилларда гуручга бўлган ички талаб барқарор ўсиб, 2025 йилда деярли 380 минг тоннага етган бўлса, 2026 йилда гуруч истеъмоли 390 минг тоннадан ошиши кутилмоқда. Шунингдек, келгуси йилларда талабнинг ўртача йиллик 20-30 минг тоннага ортиб бориши ҳисобига, 2030 йилда умумий талаб 400 минг тоннадан ошиши мумкин.

Мазкур талабнинг ўсиши шароитида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан шоли экиладиган ер майдонларини кенгайтириш ва сув танқислигига чидамли гуруч навларини маҳаллий шароитларга мослаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, гуруч нархларига сув ресурслари танқислиги, ишлаб чиқариш таннархининг юқорилиги, тупроқ шўрланиши ва малакали мутахассислар етишмаслиги асосий омиллар сифатида таъсир қилмоқда. Шу муносабат билан, сув ресурси тақчиллиги шароитида маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, импортни мақбул даражада диверсификация қилиш, шоли ва гуручни тўғри сақлаш учун замонавий омборлардан фойдаланиш ҳамда ташиш жараёнларини яхшилаш орқали йўқотишларни камайтириш тавсия этилади.

## I. Ички бозорда гуруч нархлари шаклланиши

Марказий банк кузатувларига кўра, 2026 йил 1 январь ҳолатига республика бозорларида 1 кг гуручнинг ўртача чакана нархи аланга навида 14 386 сўмни, лазер навида эса 17 237 сўмни ташкил этди.


Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, лазер навли гуручнинг энг юқори нархлари Тошкент (20 017 сўм) ва Андижон (19 761 сўм) вилоятларида, нисбатан паст нархлар эса Қашқадарё (14 413 сўм) ва Хоразм (15 013 сўм) вилоятларида кузатилди. Аланга навли гуручда эса юқори нархлар Навоий (16 492 сўм) ва Тошкент (15 758 сўм) вилоятларида, нисбатан арзон нархлар Наманган (12 113 сўм) ва Қашқадарё (12 439 сўм) вилоятларида қайд этилди (2-расм).

Нархларнинг ҳудудлар кесимида фарқланиши гуруч етиштириш ва ишлаб чиқариш салоҳияти, истеъмол талаби, логистика шароитлари ҳамда маҳаллий иқтисодий муҳитдаги тафовутлар билан боғлиқ.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, республика бўйича 2020 йилдан 2025 йилгача ўртача йиллик инфляция 9,9 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур даврда гуруч нархларининг ўртача йиллик ўсиши 8,5 фоиз даражасида шаклланиб, умумий инфляциядан 1,2 фоиз бандга пастроқ бўлди.

Шу ўринда, ушбу даврда гуруч нархларининг ўзгариши турли тенденцияларни намоён этди. Хусусан, 2020-2023 йилларда гуруч нархлари юқори даражада қимматлашган бўлса, сўнгги икки йилда нархларнинг арзонлашиши қайд этилди.

1-расм. Истеъмол нархлари ва гуруч нархи ўзгариши, фоизда



2-расм. Ҳудудлар кесимида гуручнинг ўртача нархи, сўмда

Ҳудудлар	Лазер	Аланга
Тошкент в	20017	15758
Андижон	19761	14560
Тошкент ш	19377	15534
Самарқанд	19365	14664
Сурхондарё	18187	15116
Навоий	18144	16492
<b>Республика бўйича ўртача</b>	<b>17237</b>	<b>14386</b>
Қорақалпоғистон Респ.	17180	15174
Бухоро	16692	14345
Фарғона	16166	14824
Жиззах	16078	15020
Наманган	15609	12113
Сирдарё	15322	12600
Хоразм	15013	12769
Қашқадарё	14413	12439

Манба: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари

*2020-2023 йилларда гуруч нархи ўсиши 90,8 фоизни ташкил этиб, ўртача йиллик ўсиши 18,5 фоизга тенг бўлди. 2024-2025 йилларда эса гуруч етиштириш ҳажмининг кўпайиши натижасида ушбу маҳсулотнинг нархлари 22 фоизга пасайди (ўртача йиллик дефляция 11,6 фоиз). 2025 йилда гуруч нархлари 16,7 фоизга, шундан, аланга навли гуруч нархи 17 фоизга, лазер навли гуруч нархи эса 17,7 фоизга арзонлади (1-расм).*

Гуручнинг энг юқори ўсиши 2023 йилда қайд этилиб, йиллик ҳисобда 38,7 фоизни ташкил этди. Нархларнинг бундай кескин ўсишига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатди.

Хусусан, сўнгги йиллардаги умумий овқатланиш соҳасининг ривожланиши гуручга бўлган талабни ҳам оширди. Шунингдек, сув танқислиги ва ноқулай иқлим шароитлари туфайли асосий шоли етиштириладиган ҳудудларда ҳосилдорлик сезиларли даражада пасайди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида гуруч нархларининг ошиши ҳам ушбу жараёнда муҳим роль ўйнади. Хусусан, Ҳиндистон, Таиланд ва Вьетнам каби йирик гуруч экспорт қилувчи давлатлар томонидан экспорт чекловларининг жорий этилиши халқаро бозорларда гуруч таъминоти қисқаришига ва нархлар ўсишига олиб келди.

*Истеъмол саватида гуручнинг улуши 1,6 фоизни (озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳида - 3,4 фоиз) ташкил этгани сабабли, ушбу маҳсулот нархининг ўзгаришлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, кам даромадли аҳоли қатламлари учун гуруч арзон ва тўйимли озиқ-овқат манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, ички бозорда гуруч таъминоти ва нархлари барқарорлигини таъминлаш озиқ-овқат инфляциясини жилавлашда ҳамда аҳоли фаровонлигини сақлаб қолишда муҳим омил ҳисобланади.*

## **II. Талаб омиллари ва экспорт динамикаси**

Сўнгги йилларда гуручга бўлган талаб барқарор ўсиш тенденциясини намоён этди. Хусусан, 2020 йилда 190 минг тоннани ташкил этган истеъмол ҳажми 2025 йилда 98 фоизга ошиб, 377 минг тоннага етди. Мазкур ўсиш, аввало, аҳоли сонининг кўпайиши, туризм ҳамда умумий овқатланиш хизматлари соҳасининг кенгайиши билан изоҳланади (3-расм).

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўртача гуруч истеъмоли - 10 кгни ташкил этиб<sup>1</sup>, бу кўрсаткич гуручни асосий озуқа сифатида истеъмол қиладиган мамлакатлар билан солиштирганда сезиларли даражада паст ҳисобланади.

<sup>1</sup> [www.newscentralasia.net](http://www.newscentralasia.net) сайти маълумотлари (истеъмолдаги гуручнинг аҳоли сонига тўғри келиши).

**3-расм. 2020-2025 йилларда гуруч истеъмоли, млн/минг тоннада**



Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва [www.statista.com](http://www.statista.com) сайти маълумотлари

Қўшни мамлакатларда аҳоли жон бошига ўртача гуруч истеъмоли Қозоғистонда - 17,5 кг, Туркманистонда - 15,4 кг, Тожикистонда - 15 кг ва Қирғиз Республикасида - 7,7 кг ташкил этади.

Маълумот учун, жаҳон миқёсида гуруч истеъмоли 2020-2024 йилларда барқарор ўсиш тенденциясини намоён этди. Хусусан, 2020 йилда жаҳон бўйича гуруч истеъмоли 503 млн тоннани ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 542 млн тоннага етди. Мутахассислар прогнозларига кўра, кейинги 25 йилда гуручга бўлган жаҳон талаби ўсиш тенденциясини сақлаб қолади.

Ички бозорда гуручга талабнинг бундай ўсиши бир нечта асосий омиллар билан изоҳланади. Хусусан,

**1. Демографик омиллар.** 2020-2025 йиллар давомида мамлакат аҳоли сони 33 905,8 минг нафардан 38 232,2 минг нафаргача етди (ўсиш 12,3 фоиз). Аҳоли сонининг барқарор ўсиши мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан гуручга бўлган умумий талабнинг ортишига олиб келмоқда.

Гуруч оммавий равишда истеъмол қилинадиган асосий углевод манбаи бўлиб, аҳолининг кундалик рационларида нон, картошка ва макарон маҳсулотларидан кейин муҳим ўрин эгаллайди.

**2. Аҳоли даромадлари ошиши.** 2020-2025 йиллар давомида аҳоли ўртача даромадлари 56,5 фоизга ошди (ўртача йиллик ўсиши 7,8 фоиз). Аҳоли даромадларининг ошиб бориши гуручга бўлган талабни ҳам ошишига хизмат қилди. Бунда ош марказлари оммалашиши натижасида ош истеъмоли ошиб бориши сабаб бўлди.

**3. Туризм ва хизматлар сектори ривожини.** Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасининг жадал ривожланиши кузатилди.

Туристлар оқимининг кўпайиши, меҳмонхоналар, ресторанлар ҳамда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи объектлар сонининг ошиши ҳам гуручга бўлган талабнинг сезиларли даражада ўсишига ҳисса қўшди.

*2019 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони 6,7 млн нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 11,7 млнга тенг бўлди (ўсиш 74,6 фоиз).*

#### **4. Истеъмол маданияти ва рациондаги ўзгаришлар.**

Сўнгги йилларда етказиб бериш хизматининг ривожланиши шароитида аҳоли орасида тез тайёр бўладиган таомлар ҳамда гуручли парҳез овқатларининг оммалашиши гуруч истеъмолининг ошишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, тўй ва оилавий маросимлар ўтказилиши ҳам гуручга бўлган талабнинг ўсишига қўшимча омил сифатида таъсир кўрсатмоқда.

#### **Гуручга бўлган талаб ошиб бориши кутилмалари**

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида гуруч нафақат уй хўжаликлари, балки тижорат сектори учун ҳам стратегик аҳамиятга эга асосий маҳсулот сифатида ўрин эгалламоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мавжуд тенденциялар сақланиб қолган тақдирда, 2030 йилга бориб маҳаллий бозорда гуручга бўлган йиллик талаб ҳажми 400 минг тоннадан ошиши кутилмоқда.

#### **Жаҳон бозорида гуруч истеъмоли ва келгусидаги истиқболлар**

Сўнгги йилларда жаҳонда гуруч истеъмоли барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. 2024 йил якунларига кўра, жаҳон бўйича гуруч истеъмоли ҳажми қарийб 530,2 млн тоннани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 45,2 млн тонна ёки 9,3 фоизга ошди.


БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) прогнозларига кўра, 2025-2026 йилларда глобал гуруч ишлаб чиқариш ҳажми рекорд даражага етиб, 556,4 млн тоннани ташкил этиши кутилмоқда. Шу билан бирга, АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (USDA) маълумотларига мувофиқ, 2025 йилда жаҳон бўйича гуруч истеъмоли 542,0 млн тоннага етиши прогноз қилинмоқда.

Гуручга бўлган глобал талабнинг ўсиши, аввало, Осиё мамлакатларида унинг асосий озуқа сифатида кенг истеъмол қилиниши, шунингдек, Африка қитъасида аҳоли сонининг жадал ўсиши ва истеъмол афзалликларининг ўзгариши билан изоҳланади. Бир вақтнинг ўзида, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва жаҳон захираларининг камайиши глобал бозорда таъминотга бўлган босимни кучайтирмоқда.


Мавжуд маълумотларга кўра, 2025 йилда гуруч етиштириш ҳажми бўйича Хитой жаҳон бозорида мутлақ етакчи бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 208,1 млн тоннани ташкил этди. Кейинги ўринларда Ҳиндистон (206,7 млн тонна), Бангладеш (58,6 млн тонна), Индонезия (54,0 млн тонна), Вьетнам (43,5 млн тонна) ва Таиланд (33,1 млн тонна) жой олган (4-расм).

Шу билан бирга, жаҳон мамлакатлари ўртасида аҳоли жон бошига гуруч истеъмоли даражасида сезиларли фарқлар мавжуд. Хусусан, энг юқори кўрсаткич Гайанада қайд этилиб, бир кишига ўртача 1 244 кг гуруч тўғри келади (5-расм).

**4-расм. Дунё бўйлаб асосий гуруч ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, 2025 йил маълумотлари асосида, млн. тоннада**



**5-расм. Жаҳонда аҳоли жон бошига энг кўп гуруч истеъмол қилувчи давлатлар, 2025 йил маълумотлари асосида, кг.да**



Манба: [www.worldostats.com](http://www.worldostats.com) сайти маълумотлари

Европа иттифоқи мамлакатларида киши бошига энг юқори истеъмол қилувчи мамлакат Португалия (16,1 кг) ҳисобланади. Кейинги ўринларда Туркия (15,8 кг) ва Албания (12,3 кг) мамлакатлари келтирилган<sup>2</sup>.

### III. Таклиф омиллари ва импорт динамикаси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шоли ва гуруч етиштириш ҳажмлари барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда 383,6 минг тонна шоли етиштирилиб, 2023 йилга нисбатан 7,8 фоизга ўсиш қайд этилди. Ҳудудлар кесимида шоли етиштиришда энг катта улуш Хоразм вилояти (39,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келиб, ундан кейин Сирдарё (12,9 фоиз) ва Фарғона (12,8 фоиз) вилоятлари жой олган.

Шунингдек, етиштирилган гуруч ҳажмлари ҳам 2020-2024 йилларда изчил ўсиб борди. Хусусан, 2020 йилда 179 минг тоннани ташкил этган гуруч ҳосили 2021 йилда 201 минг тоннага етди. 2022-2023 йилларда 213-215 минг тонна атрофида шакллланган ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йилда ўсишда давом этиб, қарийб 316 минг тоннага яқинлашди.

<sup>2</sup> [www.landgeist.com](http://www.landgeist.com) сайти маълумотлари


2020-2023 йиллар давомида мамлакатда донли экинлар экиладиган ер майдонлари қисқариш кузатилди. Хусусан, ушбу даврда уларнинг умумий ҳажми 1 646 минг гектардан 1 543 минг гектаргача камайди. 2023-2024 йилларда донли экинлар майдони 1,7 фоизга ошиб, 1 568 минг гектарни ташкил этди. Шунга қарамай, донли экинлар майдонининг қисқариши шולי етиштириш ҳажмига салбий таъсир кўрсатмади. Аксинча, сўнги йилларда шולי етиштириш ҳажмлари барқарор ўсишни намоён этди. Хусусан, 2024 йилда мамлакатда жами 383,6 минг тонна шולי етиштирилиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 30,7 фоизга юқори бўлди (6-расм).

### Гуруч импорти динамикаси

Божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2020-2025 йилларда гуруч импортида ўзгарувчанлик кузатилди. Хусусан, 2020 йилда гуруч импорти 13,6 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда деярли икки баравар ошиб, 28 минг тоннага етди. 2022 йилда эса ушбу кўрсаткич 7,8 минг тоннагача қисқарди.


2023 йилда гуруч импортида кескин ўсиш кузатилди ва 106,3 минг тоннани ташкил этди. 2024 йилда импорт ҳажми яна пасайиб, 37,6 минг тоннага тенг бўлди. 2025 йилда эса импорт 15,6 минг тоннани ташкил этди (7-расм).

**6-расм. 2020-2024 йиллар давомида мамлакатимизда экилган донли экинлар экилган майдони ва шундан етиштирилган шולי миқдори**



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

**7-расм. 2020-2025 йиллар давомида импорт қилинган гуруч ҳажми, минг тоннада**



**8-расм. 2021-2025 йиллар мобайнида давлатлар кесимида гуруч импорти**




Манба: Давлат божхона қўмитаси

Импорт ҳажмларидаги бундай ўзгаришлар ички ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, маҳаллий маҳсулотлар билан бозорнинг таъминланиш даражаси ҳамда ташқи бозорлардаги нарх конъюнктураси ва глобал бозор тенденциялари каби омиллар билан изоҳланади.

2020 йилдан 2025 йилгача Ўзбекистонга жами 208,9 минг тонна гуруч импорт қилинган бўлиб, импортнинг асосий қисми Қозоғистон (66 фоиз ёки 129,5 минг тонна) ва Покистон (22 фоиз ёки 43,2 минг тонна) ҳиссасига тўғри келади (8-расм).

**9-расм. Ўзбекистон ва қўшни давлатларда гуруч нархи динамикаси<sup>3</sup>, сўм эквивалентида**



Манба: Хорижий мамлакатлар статистика сайтлари ва Миллий статистика қўмитаси

<sup>3</sup> Ўзбекистонда гуручнинг лазер ва аланга навлари, Россия ва Қирғиз Республикаси учун гуручнинг “шлифованный” тури ҳамда Қозоғистон учун гуручнинг “шлифованный, полированный” тури олинган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил декабрь ойида Ўзбекистон бозорларида гуручнинг ўртача чакана нархи 15 821 сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич Қозоғистондаги нархлардан 70,9 фоизга юқори, Россия Федерацияси ва Қирғиз Республикасига нисбатан эса мос равишда 23,9 фоиз ва 28,4 фоизга паст бўлгани қайд этилган (9-расм).

#### **IV. Гуруч нархларига таъсир кўрсатаётган соҳадаги муаммо ва камчиликлар**

Марказий банк вакилларининг гуруч етиштирувчи фермерлар ва тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлари натижасида соҳада мавжуд бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, қуйидаги асосий йўналишларда тизимли муаммолар кузатилмоқда.

##### ***Ишлаб чиқариш таннархининг юқорилиги***

Сўнгги йилларда гуруч етиштириш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ харажатларнинг ошиши натижасида маҳсулот таннархи сезиларли даражада юқори шаклланмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг асосий гуруч етиштирувчи ҳудуди ҳисобланган Хоразм вилоятида ушбу жараён яққол намоён бўлмоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йил давомида ўғит ва агрохимикатлар учун харажатлар қарийб 150 фоизга ошган бўлиб, фақат 2024 йилнинг ўзида ушбу харажатлар 11 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга, суғориш харажатларининг ўтган йилга нисбатан 50 фоизга ошгани, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уни таъмирлаш ҳамда ёнилғи харажатларининг 16,7 фоизга ўсгани умумий ишлаб чиқариш харажатларининг янада ортишига олиб келмоқда. Ушбу омиллар гуруч етиштириш таннархининг юқори шаклланишига сабаб бўлиб, бу бозор нархларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

##### ***Сув ресурслари танқислиги***

Гуруч етиштириш ҳосилдорлиги сув ресурсларига боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда бир йилда фойдаланиладиган сув миқдори ўртача 51-53 млрд куб метрни ташкил этиб, унинг 80-85 фоизи Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳиссасига тўғри келади. Бир килограмм шоли етиштириш учун ўртача 4 метр куб сув талаб этилишини инобатга олсак, сўнгги йилларда сув ресурсларининг қисқариши соҳада жиддий қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Иқлим ўзгаришининг кучайиши натижасида Ўзбекистонда сўнгги уч йил давомида мавжуд сув ресурслари ҳажми қарийб 20 фоизга камайган.

Мутасаддилар прогнозларига кўра, иқлим ўзгариши, дарё оқимларининг камайиши ва гидрологик шароитнинг ўзгариши натижасида 2030 йилларга бориб сув танқислиги 20-25 фоизга етиши мумкин.

Шунингдек, аҳоли сонининг ўсиши туфайли ичимлик ва маиший мақсадлар учун сифатли сувга бўлган талаб ҳозирги 2,3 млрд куб метрдан 2,7-3,0 млрд куб метргача, яъни 18-20 фоизга ортиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг трансчегаравий сув ресурсларига юқори даражада боғлиқлиги ҳам мазкур муаммони янада кучайтирмоқда. Хусусан, Амударёда сув оқимининг камайиши шароитида Афғонистонда қурилаётган Қўштепа канали ишга туширилган тақдирда, дарё сувининг бир қисми Афғонистон шимолига йўналтирилиши режалаштирилган. Прогнозларга кўра, Қўштепа канали ва иқлим ўзгариши таъсири натижасида Амударё ҳавзасида Ўзбекистонга тўғри келадиган сув ҳажми 2028 йилда 19 фоизгача, 2030 йилда эса 29 фоизгача камайиши мумкин.

### ***Тупроқ шўрланиши муаммоси***

Қишлоқ хўжалигида замонавий суғориш технологияларининг етарлича жорий этилмагани тупроқ шўрланиши муаммосини кучайтирмоқда. Анъанавий суғориш усуллари сувнинг ортиқча сарфланиши ва шўрланиш жараёнининг тезлашишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг тахминан 50 фоизи, айрим ҳудудларда эса 70 фоиздан ортиғи шўрланишдан жабр кўрмоқда.

Тупроқда туз тўпланиши гуруч етиштиришга айниқса салбий таъсир кўрсатади, чунки гуруч тузга энг сезгир дон экинларидан бири ҳисобланади. Уруғлик ва ўсиш даврида туз стрессига дуч келган гуручда ҳосилдорлик кескин пасаяди.

Шу боис, шўрланишга чидамли навлар, замонавий суғориш тизимлари ҳамда тупроқни туздан тозалаш технологияларини жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

### ***Малакали мутахассислар етишмаслиги***

Минерал ўғитлар ва бошқа агроресурслардан самарали фойдаланиш бўйича етарли даражада малакали мутахассисларнинг етишмаслиги фермерлар ва тадбиркорларни илмий асосланган тавсиялардан фойдаланишни чекламоқда.

Бу эса маҳсулдорликнинг кутилган даражада бўлмаслигига олиб келмоқда. Шунингдек, агрономлар ва соҳа экспертлари етишмовчилиги илмий янгиликлар ҳамда инновацияларни амалиётга жорий этиш жараёнини секинлаштирмоқда.

Натижада, шўрланишга чидамли, қурғоқчиликка бардошли ёки эртапишар гуруч навларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, замонавий суғориш тизимларини қўллаш ҳамда барқарор сув тақсиротини ташкил этиш бўйича илғор тажрибаларнинг амалиётга татбиқ этилишини чекламоқда.

## V. Таклифлар

1. Экин майдонларини замонавий лазерли текислаш технологиялари асосида тайёрлаш орқали сув сарфини камайтириш ва шולי ҳосилдорлигини ошириш. Томчилатиб, пуркагичли ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизимларини кенг жорий этиш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва мавжуд сув танқислигини юмшатиш.

2. Хитой тажрибаси асосида, Ўзбекистонда гуруч етиштириладиган ҳудудларда сув сарфини реал вақт режимида кузатиб борувчи рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш. Бунда суғориш каналлари ва дала даражасида сув ўлчагичлар (*сенсорлар*) ўрнатилиб, дронлар орқали қўшимча назорат тадбирлари ўтказиш ва маълумотлар ягона платформада жамлаш. Ушбу тизим сувдан ортиқча фойдаланишни аниқлаш, меъёрларни белгилаш ва сув ресурсларини адолатли тақсимлаш имконини беради.

3. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий этиш, янги агротехник усуллар ҳамда иқлимга мос селекция йўналишларини ривожлантириш. Ушбу ҳамкорлик доирасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни кучайтириш, шунингдек, малакали агроном мутахассислар тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш.

Шолининг иқлимга мос, касалликларга чидамли ва эртапишар навларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, гуруч етиштириш бўйича етакчи давлатлар билан илмий ва технологик ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш. Ҳиндистон ва Вьетнам тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатларда кенг қўлланилаётган қисқа вегетация даврига эга ва сув сарфи кам бўлган гуруч навларини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш. Бунда илмий-тадқиқот институтлари орқали мазкур навларни маҳаллий агроиқлим шароитига мослаштиришни татбиқ этиш.

4. Ўғит ва агрохимикатлар ишлаб чиқариш ҳамда таъминотига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу йўналишда махсус саноат зоналарини ташкил этиш ва халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

5. Импортни прогнозли мониторинг механизми орқали рағбатлантириш орқали йиллик истеъмол, ички ҳосил ва захиралар прогнозлари асосида импорт ҳажмлари ойма-ой режалаштириш ҳамда мавсум орасида таклиф камаяётган даврларда автоматик равишда ошириш. Бу орқали ҳосилдан кейинги ортиқча таклиф ва мавсум орасидаги танқислик ўртасидаги номутаносиблик бартараф этилиб, йил давомида гуруч нархларининг барқарорлиги таъминланади.